



“O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI”

AKSIYADORLIK JAMIYATI

ALOHIRDA INVESTITSIYA LOYIHALARINI AMALGA OSHIRISH GURUHI

100060, Toshkent sh., Amir Temur ko'chasi, 4
tel.: +998 71 236 49 38; Fax: +998 71 256-17-46
el. manzil: piuap@railway.uz



20 ___ у. « ___ » _____

№ GRP-OP 462/L/22

« 02 » 12

20 22 г.

«MEDTEXNO TRADE» МЧЖ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ сизга шуни маълум қиладики, “Тошкент шаҳрида ер усти халқа метрополитенини қуриш” лойиҳасининг 2-босқичини амалга ошириш доирасида “Ўзбекистон” электр депосини модернизация қилиш мақсадида Д-4 дистилляторини сотиб олиш учун ўтказилган Лот №156242 сонли энг яхши таклифларни танлаш натижаларига асосан сизнинг тижорат таклифингиз ғолиб деб топилган эди.

Аммо, Ўзбекистон Республикасининг давлат харид жараёнларини тартибга солувчи органлари томонидан олиб борилган тафтиш натижасига кўра Сизнинг корхонангиз бошқарувида аффилиланган шахс бор эканлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилиланган шахси - қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шу жумладан ёзма келишув асосида таъсир кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади.

Ушбу Қонунининг 23-моддасига кўра иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг тегишли бандларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 02/98-сонли Ажримига асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва ООО “MEDTEXNO TRADE” ўртасида имзоланиши кутилаётган шартномани бекор қилинишини маълум қиламиз.

Алоҳида инвестиция лойиҳаларини
амалга ошириш гуруҳи бошлиғининг
биринчи ўринбосари

К.И. Арзиев